

331.101(043.3)

A15

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети**

**Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 330 338(575.1)**

Абулкасимов Хасан Пирназарович

**ШАКЛЛАНАЁТГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА
ИНСОН ОМИЛИ ВА УНИ ФАОЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

08.00.01-«Иқтисодий назария» ихтисослиги

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент-2005

ташқил қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаши мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади»¹.

Инсонлар ва аҳоли турли ижтимоий тоифаларининг ҳаётини яхшилаш, уларнинг мақсаду манфаатларини ва интилишларини рўёбга чиқариш учун жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, унинг иқтисодий, сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш лозим бўлади. Бу борада Юртбошимиз: «Шу маънода, мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим»², - дея таъкидлаган эдилар.

Шу билан бирга, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш кўп жиҳатдан инсонларга, ҳар бир фуқаро ва халқнинг меҳнат фаолигига боғлиқдир. Демак, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнлари билан аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш, инсонларнинг иқтисодий фаолигини ошириш ўзаро узвий боғлиқдир. Шу сабабли, инсон омилининг мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашдаги ролини ошириш ҳамда фаоллаштириш муаммоларини тадқиқ этиш илмий-амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, инсон омили мазмувини янгича талқин этиш, унинг шаклланиши, амал қилиши масалаларини фаоллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини ва устувор йўналишларини ўрганишга қаратилган ушбу тадқиқот мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон ва унинг меҳнатининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги роли, аҳамияти Шарқнинг буюк олим ва мутафаккирлари, шу жумладан, Абу Носир Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низом ал мулк, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган³. Ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон омилининг амал қилиши билан боғлиқ кўплаб назарий ва методологик жиҳатлари - тақрор ишлаб чиқариш, капитал жамғариш ва иқтисодий ўсишга тадбиқан турли иқтисодий мактаблар вакиллари, шу жумладан:

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 12-13-б.

² Ўша ерда 36-б.

³ Қаранг: Всемирная история экономической мысли. В 6 т. Т.1./ МГУ им. М.В. Ломоносова; Гл. ред. кол.: В.Н. Черковец и др. - М.: Мысль, 1987. - С.320-329.